БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 24 апрель Сешанба
№ 78 (13.514).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Биринчи саҳифага мактуб

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ

Салом ҳурматли «Ёш ленинчи»! Рўзнома саҳифаларида кўпчилик дилидаги гапларнинг чоп этилаётганлиги учун мен ҳам ўз фикримни ёзиб юборишга журъат қилдим.

Сўнгги вақтда «ўзбек ишчилар синфи» шаклланмагани ҳақида матбуот саҳифаларида ёзилмоқда. Бу хусусда мен ҳам оддий ишчи сифатида ўз фикримни билдирмоқчиман. Мен 1987 йилдан буён «Ташсельмаш» заводида ишлайман. Завод ва корхоналарда ўзбекларнинг кам ишлашларини кўриб, ҳайрон қолдим. Ўзимча бунга жавоб изладим. Ўтган йиллар ичида ўзим гувоҳ бўлган ҳамда сўраб-суриштириб билганларимга асосланиб бу саволга жавоб топгандек бўлдим.

Расмий маълумотга кўра, заводимиз ишчиларининг 21,3 фоизи ўзбеклардир, шундан 4-5 фоизигина доимий ишчилардир. Уларнинг қолган қисми вақтинчалик ишлаб юрган, яъни олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида таълим олаётган ҳамда хизматдан қайтиб ўқишга кириш ниятида юрган ёшлардир.

«Шаҳар пропискаси» деган муаммо ҳозирги ишчи бўлиш иштиёқида юрган йигит-қизлар учун кўпгина эшикларни ёпиб қўйган.

Ўқув юртларини тамомлаган, 5-6 йиллик ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ҳамда мутахассислик дипломларини қўлларига олган йигит-қизларнинг асосий қисми ўз юртларига қайтиб кетадилар. Уларнинг шу ерда ишлаб қолишлари учун ҳеч ким жон ҳам койитмайди.

Бу ёшларнинг доимий ишлаб қолишлари учун ҳеч қандай шароитнинг ўзи йўқ, чунки шаҳарга ишлаш учун келган киши беш йилдан сўнг уй-жой олиш учун навбатга ёзилади. Навбатда эса ками билан 9-10 йил туришга тўғри келади. «Олдин уй-жойли бўлиб, кейин оила қураман» деб юрган ишчиларнинг ўртача ёши уй-жойли бўлгунча 30 ёшдан ўтиб қолаяпти.

Ҳамма қийинчиликларни бўйнига олиб оила қурган ҳолда ишлаш учун қолган ишчилар беш-олти йиллаб оғир шароитда яшашларига тўғри келади. Баъзилар: «Ўзбеклар ишчи бўлишни хоҳламайдилар, уларга савдо-сотиқ ёки кетмон бўлса бўлди-да», деб халқимизга нисбатан ноҳақ гаплар айтмоқда. Хўш, бундай шароитда қандай қилиб ўзбеклардан ишчилар синфи шакллансин, деган ҳақли савол туғилади.

Ҳозир жумҳуриятимизда миллионлаб ишсизлар борлиги тўғрисида гапирилмоқда. Кўплаб завод ва фабрикаларимизда «ишчи кучи» етарли эмаслиги ҳам сир эмас. Нега аҳволни кўриб, билиб туриб, Россиядаги завод ва фабрикаларга ҳамда хўжаликларга катта-катта харажатлар билан туб аҳолидан ишлаш учун мутахассислар юборилмоқда?

Нима учун бизга четдан кўплаб мутахассислар таклиф қилинмоқда? Улар қисқа вақтда уй-жой билан таъминланиб юқори мансабларга жойлашмоқда-ку!

Четдан келаётганларга кўрсатилаётган имтиёз ва илтифотлар ўзимизнинг ёш кадрларга ҳамда ишсизларга қаратилса бўлмайдими? Четдан мутахассислар таклиф қилишни шу пайтгача бизда малакали кадрлар етишмаслиги билан хаспўшлаб келинди. Жумҳуриятимиздаги турли техник ва олий техник билим юртлари завод ва корхоналаримизни инженер-техник ходимлар ва малакали ишчилар билан таъминлаш учун очилган-ку?

Бизда эса диплом олган минглаб ёшлар деярли завод ва фабрикалари бўлмаган юртларига қайтиб кетмоқдалар. Нега шу ёш мутахассислар ишга жалб этилмаяпти? Уларнинг билим олишлари учун давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи сарф этиляптику?! Ёш мутахассислар ўз соҳаларида ишлаяптиларми, йўқми, бу билан ҳеч ким қизиқмайди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деб шунга айтишса керак-да!

Холбой ОДИЛОВ.
«Ташсельмаш» заводи ишчиси, байналмилал жангчи.

НАШРЛАР НОЁБ БЎЛСА...

Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романини ўқиганмисиз? Мен сизга уни ўқиб чиқишни маслаҳат берган бўлардим. Аммо асарни топа олмассиз, деб ўйлайман. Бундан тўрт йил бурун Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган бу асар қисқа вақт ичида китобхонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетганди. Ҳозир ноёб нашрлар сирасига кириб қолган.

Шарқнинг улуғ шоири, мутафаккири ва ўзидан саксон минг сатр шеърий асар қолдирган Румийни нафақат Навоий, Бобур, Нозим Ҳикмат, балки Гегель, Гёте каби файласуфлар ҳам ўзларига устоз деб билишган. Қадим Туркистон тупроғида яшаган буюк зотнинг асарлари ўзбекчадан ташқари деярли барча тилларда чоп этилган. «Жалолиддин Румий» романи 1984 йилдан буён рус тилида тўрт марта чоп этилди. Шуниси ажабланарлики, Ўзбекистон нашриётларида олди-қочди билан тўлиб-тошган ўнлаб китоблар босилғани ҳолда, билимимизга билим, онгимизга онг қўшадиган бундай асарлар саноқлигина.

Қани энди Радий Фишнинг ушбу романи ва Румий қаламига мансуб адабий, фалсафий асарлар кўпроқ, тезроқ нашр этилса. Шарқ маданиятига, фалсафасига бутун олам қизиқиши тобора ортиб бораётган бир пайтда бундай хайрли ишлар ўзбек маданиятининг ўсишига ҳисса қўшган бўларди. Билъакс, бундай улуғ китоблар ноёб бўлган юртда на маданиятнинг, на иқтисодиётнинг ривожи бўлади.

Шамси ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ноҳиясидаги «Кўкдала» қишлоғи.

Умид билан қадалди уруғ...

Яна бошланди. Фалон деҳқон у экди, бошқаси ундириб олди дейишлар. Мавсум палласида. Нимаям қилардик. Айтиб, ёзмай иложи йўқ. Айримларга эриш туюлса-да барибир гапирмаса бўлмас. Ҳозирда далаларда иш қизғин. Қўлидан келадиганларнинг ҳаммаси пайкал томон ошиқади. Вақт ғаниматда.

Хонқа ноҳиясида ҳам аҳвол шу. Қўлига кетмон тутиб, деҳқончиликка алоқадорлар далада. Ноҳия пахтакорлари 12068 гектар ерга чигит қадашган.

Мабодо илғор хўжаликлар ҳақида фикр юритиладиган бўлса, «Хоразм» жамоа хўжалиги албатта тилга олинади. Хўжалик икки йил бурун пахта етиштиришда жумҳуриятимиз жамоа, давлат хўжаликлари ўртасида юқори ўринларнинг бирини эгаллаган. Ўшанда ҳосилдорлик гектаридан 30 центнердан ошиб тушганди. Бу йилда хўжалик деҳқонлари 1426 гектар ерда деҳқончилик қилишган. Мақсадлари юксак — ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтариш.

Экиш мавсуми ўз вақтида якунланди. Ишнинг илгарилашида механизаторлар Ғуломбой Полвонов ва Парпи Оллоберганovларнинг ҳам ҳиссалари бор.



Суратчи мухбиримиз Ж. ҚОЗОҚОВ олган суратда механизаторлар пайкал бошида.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ

ХОНҚА ноҳиясидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг Д. Тўраев ва И. Рўзметов бошлиқ бригадаларининг пахтакорлари тўрт кун ичида чигит экиб бўлдилар.

Бу экиш агрегатларидан фойдаланишнинг ўтган йили ўзини оқлаган кўпчилик бўлиб ишлаш усули натижасидир. Хўжалик далаларида 150 дан ортиқ сеялка ишлатилмоқда. Улар беш гуруҳга бўлинган. Бу гуруҳларнинг ҳар бирига ишдан чиққан техникани тезда ремонт қилиб берадиган слесарлар, агрегатларни ёнилғи, уруғлик ва ўғитлар билан таъминлаш учун автотранспорт ажратилган.

Барча гуруҳларнинг ишини жамоа хўжалиги раиси Б. Исмоилов бошчилигидаги штаб мувофиқлаштириб туради.

— Ер, техника экишга яхши тайёрланганлиги, экипажларни малакали тракторчилар ва чигит экувчилар билан тўла таъминлаганимиз, — дейди жамоа хўжалиги правлениесининг раиси, — бизга ўн кун ичида, яъни энг яхши агротехника муддатларида экишни тугатишимизга имкон беради. Бу эса ўсимликларни тупроқнинг табиий намида ўстириб олишга имконият яратади.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗИҚ-ОВҚАТ

УЙЧИ ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги — деҳқончиликда илғор усулларни ўзлаштириш бўйича базавий хўжаликларнинг бирида чигит эка бошладилар. Пахтани парваришлашда илғор технологиядан фойдаланаётган Ю. Қозоқов бошлиқ бригада экишни жадал суръатларда олиб бормоқда. Коллектив бу йилги мавсумда ҳар гектар ердан камида 39 центнер ҳосил олишни ва гектар бошига 1756 сўм соф даромад қилишни мўлжалламоқда.

Меҳнат Қизил байроқ ордени соҳиби Ю. Исоқов бригадаси ўзига хос усулда ишламоқда. Бригада 50 гектар ерга пахта экади, 30 гектар ер янги боғ яратиш учун, 10 гектар ер сабзавотчилик ва 5 гектар ер полиз экинлари учун ажратилган.

Умуман хўжаликдаги 1229 гектар майдоннинг атиги 739 гектарига чигит экилади. Қолган майдонларни эса озиқ-овқат экинлари эгаллайди. Пахта майдони қисқартирилгани билан планда белгиланган ҳажм камаймайди. Бунда жадал технология ёрдам беради.

ЯНГИЧА УСУЛ

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Ленин номли давлат хўжалигида бу йил етти юз гектардан кўпроқ майдонга «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қарши бўлимида ишлаётган қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. Кенжаев усули асосида экиш олдидан иссиқлик билан ишлов берилган чигит экилади.

Янги усул маҳаллий деҳқонларнинг эътиборини бекорга жалб этмади. Ўтган йили бу усулдан тажриба тариқасида фойдаланиб, 10 гектар ерга пахта экишганди. Шу усул асосида ишлов берилган уруғлик теппа-тенг ва қийғос униб чиқиши, пахтани касалликлардан сақлаши, бу эса ўз навбатида ҳосилдорликнинг кўпайишига олиб келганлиги маълум бўлди.

Кўпгина пахта экувчи хўжаликлар ходимларини тажриба натижалари қизиқтириб қолди. Бу йил Косон ноҳиясидаги барча жамоа ва давлат хўжаликлари пахта майдонларининг бир қисмига маҳаллий олим услуби билан тайёрланган уруғлик экилади.

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

21 апрель куни Тошкентда большевиклар партиясига 1920-24 йилларда кирган ветеранларнинг учрашуви бўлди. Учрашувни уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият барча меҳнаткашлари номидан Ленин чақириғига лаббай деб жавоб берган коммунистларни инқилоб доҳийси таваллудининг 120 йиллиги билан, яқинлашиб келаётган Биринчи май ва Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллиги байрамлари билан самимий табриклади. И. А. Каримов ветеранларга уларнинг ҳарбий жасоратлари, халқ фаровонлиги йўлидаги шавкатли меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди.

Ветеранлар — бизнинг олтин фондимиз, деб таъкидлади И. А. Каримов. Партия уларга таянади, улар билан маслаҳатлашади. Ветеранлар қайта қуришда фаол қатнашар эканлар, жамиятимиздаги барча соғлом кучларни жипслаштиришга, ёшларни Ватанга садоқат, юксак байналмилаллик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

Партия ветеранларига уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши ҳайъатининг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

МАЛОҲАТНИНГ ЮТУҒИ

Малоҳатхон Исомиддинова Марғилон абрли газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. Бирлашмада бу ёш тўқувчи қизнинг муносиб ўрни бор. Мана бир неча йилдирки, Малоҳат нормадаги 5 та ўрнига 7 та тўқув дастгоҳини моҳирлик билан бошқариб юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Ўз шахсий календарида аллақачон ўн учинчи беш йилликни бошлаб юборган комсомол қиз 132 минг метр костюмбоп газлама ишлаб чиқаришга эришиб, биринчи нав маҳсулот тайёрлаш режасини белгиланганидан 5 фоиз ортиғи билан уддалади.

Бирлашмада айни вақтда 48 та комсомол-ёшлар бригадаси мавжуд бўлиб, ҳар бир жамоада Малоҳатхон Исомиддинова каби илғор ёшлар талайгина. Айни вақтда бирлашма бўйича 20 нафардан зиёд ёш тўқувчи вақтдан анча ўзиб меҳнат қилмоқда.

А. ҚИРҒИЗОВ,
«Марғилон атласи» рўзномаси мухбири.

Табиий офатнинг Бўстонлиққа зарбаси

ҒАЗАЛКЕНТ, 21 апрель. (ЎзТАГ махсус мухбири А. Безверхов). 21 апрелга ўтар кечаси Бўстонлиқ ноҳиясидаги бир неча хўжалик турар жой посёлкаларига тоғдан сел келди. Жаладан сўнг тўпланиб қолган сув тупроқ ва тошларни оқизиб, уйлар, хўжалик иморатлари, боғлар ва далаларга кела бошлади.

— Бир кун олдин хавф ҳақида ҳамма огоҳлантирилган эди, — деб ҳикоя қилади ноҳия ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Горин. — Ўтган йиллардан сабоқ чиқариб, одамларни кўчириш ва авария ишларини олиб бориш учун барча зарур нарсаларни тайёрлаб қўйдик. Жума куни тахминан соат 20да тоғдан сел келаётгани ҳақида дастлабки хабарлар олинди. Чирчиқнинг чап соҳилида — «Ленинград», Фрунзе номли, «Қизилту» жамоа хўжаликлари жойлашган ноҳияда, айниқса, ташвишли вазият вужудга кела бошлади. Ҳамма фалокат шу ерда содир бўлди.

Воқеалар бундай ривожланди: сув-лой оқими сойлар, ирмоқлар ўзани бўйлаб оқиб тушиб, қудратли оқимни вужудга келтирди. Бир қанча жойда йўлни ювиб кетди, электр ва алоқа линиялари ишдан чиқди, кучланиш кичик станциялари, кўприклар бузилди. Сел посёлкаларга етиб келди ва уйларнинг ичига оқиб кира бошлади.

Бахтимизга, бунгача одамлар хавфли зонадан олиб чиқилиб, автобусларга ўтказилган эди. Тун қоронғусига, жала қуяётганига қарамай, ҳеч ким саросимага тушмади. Ҳамма хавф-хатар юз берган тақдирда ҳаракат қилиш учун тузилган режага мувофиқ иш тутди. Шу туфайли қурбонлар бўлмади.

Етказилган моддий зарар эса жуда катта. 500 та уй-жой шикастланди, шундан 350 тадан кўпроғига қаттиқ шикаст етди. Баъзилари вайрон бўлди. Бешта мактаб, учта болалар боғчаси, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, молхоналар ва қўйхоналарга кўп шикаст етди. Натижада дастлабки маълумотларга қараганда 260 бошга яқин қорамол, икки минг бошдан кўпроқ қўй ва эчки нобуд бўлди. Салкам 900 гектар сабзавот экилган майдон сув остида қолди.

Айниқса, «Ленинград» жамоа хўжалигининг Қўшқўрғон, «Қизилту» ва Фрунзе номли жамоа хўжаликларнинг уй-жой посёлкаларига катта шикаст етди. Сел «Новгород» давлат хўжалигининг марказий қўрғонида ҳам из қолдириб кетди.

Тузилган оператив штаб ва ишга солинган барча бўлинмалар тўғри ҳаракат қилмаганларида эди, етказилган зарар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Жума куни кеч қурун Ғазалкентга келган Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев раҳбарликни ўз қўлига олди. Кечаси вазият кескинлашгач, ноҳияга вилоят гражданлар мудофааси штабининг раҳбарлари ва кўпгина вазирлар келишди. Штабга жумҳурият Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилик қилди. Одамларни ва уларнинг мол-мулкини олиб чиқиб кетиш учун фалокат юз берган ноҳияга шошилинч равишда техника, автотранспорт, шунингдек «тез ёрдам» бригадалари келтирилди. Аввало, одамларни қутқариш ва янги вайронагарчиликларнинг олдини олиш учун ҳамма иш қилинди. Бунинг учун карьердан тош ташиб келтирилиб, йўлларнинг шикастланган жойлари тўлдирилди, сув бошқа томонга буриб юборилди.

Тонг отиши билан йўлсозлар ишга киришдилар. Мутахассислар электр ва алоқа линияларини тиклай бошладилар. Сел босган посёлкалардаги салкам 10 минг аҳоли атрофдаги дам олиш уйлари ва пионер лагерларига кўчирилди. Уларнинг овқатланиши таъминланди, кундалик зарур буюмлар келтирилди. Бўшаб қолган посёлкаларга милиция нарядлари етиб келди, улар қолган мол-мулкнинг дахлсизлигини, тартибни таъминлайдилар.

Шанба куни эрталаб Ғазалкентга Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов ва жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов келдилар. Вазият аниқлангач, барча бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб берилди, табиий офат оқибатларини тугатишга доир биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланди.

Вазият эса жиддий, янги вайронагарчиликлар хавфи туғагани йўқ. 21 апрель куни кулфат юз берган ноҳияда тинимсиз ёмғир ёғди. Тоғдан ҳамон бўтана сув оқими келмоқда. Посёлкаларда нураб тушган ва сув босган уйлар кўп, кўпгина ҳовлилар ва уйларда мебель, кийим-кечаклар сузиб юрибди. Ҳамма жойни сув босган, айрим ерларда кундузи ҳам сувнинг чуқурлиги бир метр бўлди. Полизлар сув ва лойқа остида қолди. Уйларини ташлаб кетишни хоҳламаган қариялар табиий офатга алам билан қарашмоқда. Бундай воқеа учинчи марта юз бераётганини айтишмоқда. Бундан олдин 1942 йилда тошқин бўлган эди. Лекин ўшанда ҳам бу даражада эмасди...

— Вазият жиддий, лекин у тўла назорат қилинмоқда, — деди жумҳурият Президенти И. А. Каримов ЎзТАГ мухбирига. — И. Ҳ. Жўрабеков бошлиқ ҳукумат комиссияси ишламоқда. У барча хизматлар фаолиятини мувофиқлаштираяпти. Одамларга алоҳида эътибор берилаяпти, улар барча зарур нарсалар билан таъминланади. Бундан ташқари жумҳурият ҳукумати жабр кўрган ҳар бир оилага 300 сўмдан пул ажратади. Давлат суғурта идоралари ҳам суғурта пули тўлаш учун уйларни текширадилар. Лекин хотиржам бўлишга вақт эрта. Табиат кутилмаган «совға» келтириши мумкин, бинобарин ҳар бир киши бунга тайёр туриши керак. Бу, айниқса, Тошкент вилоятининг шу кунларда ёмғир ёғаётган ва сел келиш хавфи сақланиб турган тоғли ноҳиялари аҳолисига тааллуқлидир.

Ҳукумат комиссияси иш бошлади. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун ҳамма зарур чоралар кўрилди. Пойтахт вилоятидаги сел келиши, тошқин бўлиши ёки тупроқ сурилиши мумкин бўлган барча участкаларни уч кун ичида текшириб чиқиш белгиланган программанинг бандларидан биридир. Бундай участкаларнинг ҳар бирида ана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари кўрилади.



Бугун — Халқаро ёшлар бирдамлик куни



Ер юзи ёшлари биринчи бор Халқаро ёшлар бирдамлик кунини нишонлаганларидан бери орадан 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу кун демократик ёшлар ва талабалар халқаро ҳаракатининг кураши, ғалабалари ва мағлубиятлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўз тарихига эга. Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига иккинчи жаҳон урушидан сўнг асос солинган.

1946 йилнинг 21 феврали. Британия флотидаги ҳинд денгизчилари Бомбейда қўзғолон кўтаришди. Улар қўлларида қурол билан мамлакатда инглиз ҳокимияти ўрнатган мустамлакачиликка қарши курашга киришишди.

Бомбей, Калькутта, Карочи, Мадрас ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари аҳолиси қўзғолончиларни қизғин қўллаб-қувватладилар. Талабалар бирдамлик намойишини уюштирдилар.

1947 йилнинг 21 феврали. Минглаб мисрлик талабалар намойишга чиқиб, мамлакатдан инглиз қўшинларини чиқаришни талаб қилдилар ва шу кунни Кураш куни, деб эълон қилдилар. Бу тадбирларни ишчилар ва талабаларнинг бирлашган қўмитаси бошқариб турди. 1948 йилда Демократик Ёшларнинг Халқаро Федерацияси ва Талабаларнинг Халқаро Иттифоқи ташаббуси билан Калькуттада йиғилган жанубий-шарқий Осиё ёшлари конференцияси бу воқеалар хотираси учун 21 февралини мустамлака тузумига қарши курашаётган ёшлар билан бирдамлик куни, деб эълон қилди.

21 февралини ёшлар, талабалар, барча тараққийпарвар жамоатчиликнинг мустамлакачиликка қарши, халқларнинг озодликка чиқиши, демократик жамият учун кураш йўлидаги бирдамлиги ва ягона ҳаракатлари куни деб эълон қилиниши конференциянинг мантиқий якуни бўлди, десак янглишмаймиз. 1957 йилгача шу кун турли мамлакатлар ёшлари ва талабаларининг халқаро бирдамлик ҳаракатини ривожлантириш, тинчлик, миллий озодлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун намойишларнинг чўққиси бўлиб қолди.

1955 йилнинг апрелида Бандунгда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида алоҳида гапириш керак. Осиё ва Африкадаги 29 давлат вакиллари Индонезиядаги бу шаҳарда конференцияга тўпланиб, инсоннинг асосий ҳуқуқларига ҳурмат, давлат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлик, барча ирқ ва миллатларнинг тенглигини тан олиш принципларини эълон қилиб, агрессия, бошқа мамлакатлар ички ишларига қўшилишнинг ҳар қандай шаклига йўл қўймаслик, барча халқаро баҳсларни тинч йўл билан барқарорлаштиришга даъват этдилар.

Мустамлака тузумига қарши курашаётган ёшлар билан бирдамлик куни, яъни 1957 йилнинг 21 февралида ДЕХФ ва ТХИга аъзо ташкилотларнинг VI Жаҳон фестивали киритган: Бандунг конференциясининг тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб, у ўтказилган санани — 18 апрелдан 24 апрелгача бўлган ҳафтани Жаҳон фестиваль жамғармаси Ҳафтаси, деб эълон қилиш, 24 апрелни эса мустамлакачиликка қарши, тинч-тотув яшаш учун курашаётган Халқаро ёшлар куни, деб нишонлаш таклифи қўллаб-қувватланди.

Анъаналарга содиқ қолайлик

Шундан бери демократик ёшлар ва Ер юзи талабалари ҳар йили 24 апрелни Халқаро ёшлар бирдамлиги куни сифатида нишонлашади.

Ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳам демократик ёшларнинг ягона сафларида бормоқдалар. Улар БМТ, ДЕХФ, ТХИ, БЛКЕИ МҚ, СССР ЕТҚ ва совет ҳамда халқаро ижтимоий ташкилотлар ўтказадиган тадбирларда фаол қатнашадилар. «Ёшлик империализмни фош қилади», «Ёшлик — империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва тараққиёт учун», «Афғон дўстимга совға» маъракалари, бирдамликнинг меҳнат вахталари, шанбаликлар ўтказиш, аксилтараққиёт кучларга телеграмма ва хатлар йўллаш, дўстлик ва қўшиқ фестиваллари шулар жумласидандир. Ўзбекистон комсомоли ва ЕТҚнинг «Ҳамкорлик» ҳаракатномаси доирасида социалистик мамлакатлар ёшлар ташкилотлари билан тўғридан-тўғри дўстлик алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистон ЛКЕИ ва Македония социалистик ёшлари иттифоқи ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари ўрнатилган. Делегация алмашувлари ўтказилиб турилади. Масалан, ўтган йил ёш истеъдодли рассом Акмал Нуриддинов Кривопаланга шаҳрида ўтган ёш мусаввирлар конференциясида жумҳуриятимиздан вакил сифатида қатнашди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Мамлакат ва чет элларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар турли халқларни бир-бирига яқинлаштирмоқда, дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Масалан, 1989 йил жумҳурият ЕТҚ йўли билан 40 нафар талаба ва мактаб ўқувчиси ГФЖда бўлди.

Ҳар йили Ўзбекистонда турли халқаро тадбирлар ўтказилиб турилади. Бу ўринда совет ва япон ёшларининг «Дўстлик» кемаси, «Талабалар театрлари фестивалларин», «Ёш ленинчи» ва Афғонистон Жумҳурияти ёшларининг «Дарафше жавонон» рўзномаларининг байрамини эслаш жоиздир. Ўтган йили Пхеньянда бўлиб ўтган ёшлар ва талабаларнинг VIII Жаҳон фестивалида жумҳуриятимиздан ҳам 16 вакил қатнашди. Дунёнинг 150 мамлакати ёшларининг вакиллари Пхеньянда йиғилишиб, давримизнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, ўртоқлик учрашувлари, сайёрамизнинг тақдири ҳақида мунозаралар ўтказдилар ва тараққийпарвар ёшлар ҳаракатининг умумий ҳаракат дастурини белгилаб олдилар. Тинчликни мустаҳкамлаш, янги минг йилликнинг остонасида ядро ва кимё қуролини йўқотиш, оддий қуролларни қисқартириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, заминимизнинг гуллаб-яшнаши бўйича энг муҳим масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Жумҳуриятимиз ёшлари ҳамиша бу сана анъаналарига содиқ қоладилар, деб умид қиламиз.

Д. НУРМАТОВА,
Ўзбекистон ЕТҚ муншийси.







Хорижда хабарлар

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ЛЕНИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИЛАР

ҚОБУЛ. Совет фани ва маданият уйида Афғонистон жамоатчилигининг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Афғонистон Жумҳурияти тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилотининг раиси Басир Ранжбар ленинизм ғояларининг ҳозирги замон жаҳон ҳамжамиятини ривожлантириш учун мислсиз аҳамиятини таъкидлади. Йиғилишда АХДП Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби Нажмуддин Кавёний, расмий кишилар, Афғонистон меҳнат жамоаларининг вакиллари иштирок этдилар.

ХАНОЙ. «Ленинизм ва Вьетнамда социализм қурилишини янгилаш иши» мавзуида бу ерда бўлиб ўтган илмий анжуман В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланди. Анжуманда партия раҳбарлари, таниқли жамиятшунос олимлар, мамлакат илмий муассасалари ва олий ўқув юртларининг, нашриётларининг вакиллари қатнашдилар.

Социалистик мамлакатлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бераётган шароитда, деб таъкидлашди анжуман иштирокчилари, пролетар революцияси назариясининг кўпгина масалаларини янги вазият нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ҳамда уни янада таъсирчан илмий асослаш ва унга ҳаётий куч бағишлаш зарур.

Анжумандаги докладларнинг кўпчилигида социалистик система бошдан кечираётган қийинчиликлар социализм назариясининг хато эканлигидан далолат бермайди, деган якдил фикр билдирилди. Ана шу қийинчиликларнинг сабабларини бир қанча мамлакатларда социализм қурилиши давомида йўл қўйилган нуқсонлардан излаш керак.

Ленинизмни тўғри тушуниш бугунги кундаги долзарб талабдир, дейишди анжуман қатнашчилари. Шунинг учун марксизм-ленинизм таълимотини ўрганиш ва ўқитишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур, токи бу таълимот ҳозирги давр билан, социалистик бунёдкорлик амалиёти билан янада мустаҳкам боғланган бўлсин.

ГАВАНА. Гаванадаги В. И. Ленин номли истироҳат боғида унга ўрнатилган оқ мармар ҳайкал пойига қизил чиннигуллар қўйилди. Бу ерда доҳий таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан гулчамбарлар қўйиш тантанали маросими бўлди.

Маросимда Куба Компартияси Марказий Қўмитаси секретариатининг аъзоси Хосе Рамон Балагер, Куба — Совет дўстлиги уюшмасининг фаоллари, Гавана жамоатчилигининг вакиллари ва бу ерда ишлаётган совет мутахассислари иштирок этдилар.

УЛАН-БАТОР. В. И. Ленин таълимоти ва қайта қуриш ғоялари ягона куч бўлиб, социализмни сифат жиҳатдан янгилашнинг қудратли воситасидир, деди Монголия — Совет дўстлиги жамияти марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ц. Балхажав бу ерда бўлиб ўтган «В. И. Ленин ғоялари ва қайта қуриш» мавзуидаги монгол-совет қўшма анжуманида.

Ҳозирги давр реалликлари иккала мамлакат босиб ўтган йўлга холис баҳо берилишини, назарий жиҳатдан ҳам, шунингдек амалий жиҳатдан ҳам олисни кўзловчи хулосалар чиқарилишини тақозо этмоқда, дейишди нотиқлар. Уларнинг нутқлари иқтисодиётни қайта қуриш, коммунистларнинг социал-демократлар билан ўзаро муносабатлари, миллий масала сингари бугунги кундаги долзарб мавзуларга тааллуқли бўлди. В. И. Лениннинг капитализмни четлаб социализмга ўтиш мумкинлиги (МХР мисолида) тўғрисидаги ғояларига махсус нутқ бағишланди.

КАМПАЛА. Уганда пойтахтининг миллий театрида жамоатчиликнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, Кампала корхоналари ва муассасаларининг ишчи ва хизматчилари, талабалар, дипломатия корпусининг вакиллари иштирок этдилар.

Ленин раҳбарлигида Россияда амалга оширилган революция эски дунё негизларини ларзага келтирди, бутун инсоният тақдирини тубдан ўзгартириб юборди, деди митингда Уганда — Совет дўстлиги жамиятининг Бош секретари Роберт Очунгу. Ленин асарлари жаҳоннинг қулликка солинган халқларини, биринчи галда Африка қитъаси халқларини озод қилиш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди, деб таъкидлади у. Угандаликлар барча кишилар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган қайта қуриш ва янгича сиёсий фикрлаш шароитида жаҳон пролетариатининг гениал йўлбошчиси ғоялари замонавий мужассамини ғоят тушуниб кутиб олмоқдалар, деди Р. Очунгу.

ЛАГОС. Ленин номини бутун дунёдаги миллион-миллион кишилар ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар, деди Нигерия — Совет дўстлиги уюшмасининг миллий котиби Ннани Мадуагу. У совет маданият марказида В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги шарафига бўлиб ўтган Нигерия пойтахти жамоатчилигининг йиғилишида сўзга чиқди.


Ленин бошчилик қилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўз олдига қўйган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий вазифалар жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичига мувофиқ ўзгартирилган шаклда бўлсада, кўпгина мамлакатлар учун долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда, деди Н. Мадуагу. — Ленин ғоялари янги ҳаётни бунёд этаётган кишилар учун ижодий куч-ғайратнинг улкан манбаи бўлиб қолади.

(ТАСС).

Ушбу суратдаги жилмайиб турган қизнинг тарихи узун. 1972 йили Вьетнамдаги шаҳар ва қишлоқлар Америка авиацияси томонидан шафқатсиз бомбардимон қилинганда у энг оғир жабр тортганлардан бири эди. Бу ҳақда бизнинг матбуотда ҳам ёзилган. Фан Тхи Ким Фук (уни Вьетнамда шундай аташади) оғир кунларни бошидан кечираётган пайтда Лос-анжелослик сураткаш Ник Ут ҳам ёрдам қўлини чўзиб, бу қизнинг номини бутун дунёга танитган эди. Шу-шу улар тез-тез учрашиб турадиган бўлишди.

Суратда: 26 ёшли Фан Тхи Ким Фук сураткаш Ник Ут билан.

(ТАСС суратлавҳаси).



Хушхабарлар

ФАРҒОНА вилоятидаги «Пахтакор» совхозининг деҳқонлари 26 гектар майдонда боғ яратдилар. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ минглаб туп мева дарахтлари ўтқазилди.

Хўжалик бу йилги мавсумда 160 тонна мева олишни режалаштирмоқда. Шу боисдан ҳам боғбонлар енгларини шимариб меҳнат қилишмоқда. Улар дарахт шохларини чилпиб, илдизларнинг усткн қаватларини юмшатдилар, суғордилар, қатор ораларига ишлов бердилар.

Совхоз токзорларида ҳам ишлар қизиб кетди. Боз устига токзорларнинг катта қисми деҳқонларга ижарага берилган. Ижарачилар боғларни 4 гектар кенгайтиришга қарор қилдилар. Бу ерлар хўраки навлар билан банд этилади. Ажратилган ерларда кўчат экиш бошлаб юборилди.

ПАЙАРИҚ ноҳия харитасида сабзавотчилик хўжалиги «Зарафшон» совхози пайдо бўлди. У «Пайариқ» пахтачилик совхозининг собиқ Зарафшон ва Чоштепа далалари жамоаларини бир ерга жамлади.

Бошқача йўл йўқ эди, — дейди совхознинг собиқ агрономи, Н. Сайнуров. — Гап шундаки, бу ерларда ер ости сувлари анча юқори жойлашган, ҳосилдорлик кам бўлиши сабабли пахта етиштириш фойдали эмас. Айни вақтда бу ерда сабзавот етиштириш учун жуда яхши шароит бор. Бунинг устига улар анча фойдалироқ: сўмгача даромад қилинган бўлса, сабзавотдан саккиз минг сўмга яқин даромад олинади. Пахтакорлар ўз касбини ўзгартираётганликлари ридан ташвишланмаса ҳам бўлади. Чунки уларнинг ҳар бири сабзавот етиштиришда ҳеч бўлмаса ўз томорқасида тажриба орттирган. (ЎзТАГ).

Комсомол: кеча, бугун, эртага

МАВҚЕ НЕГА ТУШИБ КЕТДИ?

Кейинги пайтларда комсомолнинг обрўйи нега тушиб кетди! Бу ҳақда кескин баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Ҳатто ёшлар ўз ташкилотларига ишончсизлик билан қараш ҳоллари юз бераяпти. Бу аччиқ бўлса-да, афсуски, ҳақиқат. Ҳақиқатдан эса юз ўгириб бўлмайди. Бу ҳақда марказий рўзномалар ошкора ёзишмоқда. Ҳатто, иш шунчаликка бориб етдики, баъзилар комсомол ўрнига бошқа ёшлар ташкилотини тузиш таклифини олдинга сураётирлар.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, комсомолга нима бўлди ўзи! У илгариги мавқеини тиклай оладими! Бу сермашаққат йўлда ёшларнинг сўнган ишончини қозониш учун комсомол ходимлари нима қилишлари керак! Ёшлар ҳаётидаги қайси муаммоларни ҳал этиш лозим!

Саволлар... Саволлар... Булар шу қадар кўпки, адоғи кўринмайди.

Яқинда Самарқанд ноҳия комсомол қўмитасининг ташаббуси билан ана шу тизгинсиз саволларга жавоб топиш ва бу борада ўз ечимини кутаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш учун «давра суҳбати» ўтказилди. Унда ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Д. Мамедова, собиқ комсомол ходимлари, ноҳия фирқа қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Р. Шаропов, ноҳия фирқа қўмитасининг йўриқчиси З. Авазов, ноҳия фирқа қўмитаси ҳисоб шўъбаси мудири Т. Шарипов, «Ленинобод» давлат хўжалиги комсомол ташкилотининг котиби У. Бердиев, шу хўжаликдаги «Меҳнат» фабрикаси филиалининг комсомол ташкилоти котиби Ш. Жумаева қатнашдилар.

Д. МАМЕДОВА: Бугунги кунда айтиш мумкинки, комсомол ходимларининг олдида жиддий имтиҳон турибди. У бу имтиҳондан ўта олармикан? Бизни ташвишлантираётган нарса ана шу. У яна ёшларни ўз атрофида жипслаштириб, ортидан эргаштиришга қурби етармикан?

Мен бу саволларга «ҳа» деб жавоб бераман. Чунки комсомол Ватанимиз бошига тушган оғир мусибатли кунларида мадад бўлиб келди. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биз чидам ва сабот билан ишлаб, ёшлар кўнглига йўл топишимиз лозим. Бу борада сўздан амалий ишга ўтиб, бир қатор муҳим тадбирлар белгилаб олдик. Хусусан, хўжаликларга бориб ёшлар билан юзма-юз суҳбатлашаяпмиз. Уларнинг қийнаб келаётган муаммоларини ўрганиб, ижобий ҳал этиш чора-тадбирларини излаяпмиз. Ноҳияда ёшлар ижодиёти марказини ташкил этиш ниятимиз бор. Хуллас, олдинда қилинадиган ишлар кўп.

Ҳозир қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, ҳамма бир овоздан: «Комсомол инқирозга учради», «Уни тугатиб, ўрнига янги ташкилот тузиш керак», — дейишади. Биз ёшларга шу мазмунда яширин анкета тузиб, тарқатдик. Олинган жавоблар турлича. Мана улардан бири: «Комсомол ҳақиқатан ҳам инқирозга учради. Уни тугатиб, ўрнига бошқа ташкилот тузган билан мавжуд аҳвол ўзгариб қолмайдику. Шунинг учун комсомол ташкилотининг ўзини қайтадан тарбиялаш ва унинг фаоллигини ошириш лозим». Бошқа бир комсомол аъзоси эса куюниб, шундай жавоб ёзган: «Комсомолнинг инқирозга учрагани тўғри. Негаки, унинг фаолияти фақат аъзолик бадалларини йиғишдан иборат бўлиб қолди. Бошқа нарсалар қоғозда бор-у, амалда йўқ».

Анкета жавобларидан яна шу нарса маълум бўлдики, ёшларнинг ўзлари ҳам комсомол мавқеини тиклаш тўғрисида ўйлашар экан. Мана бу анкета жавобига эътибор беринг-а: «Комсомолга кенг миқёсда ҳуқуқ бериш керак. Жумладан, кадрларни танлаш ва молиявий ҳуқуқ». Бу борада кўпчилик ёшларнинг фикрлари деярли бир хил.

Бугунги «давра суҳбати»да ана шулар ҳақида фикр юритсак. Сизлар бугунги комсомол фаолиятига қандай баҳо берасиз?

Р. ШАРОПОВ: Тўғри, комсомол ташкилоти олдида жиддий синов турибди. Унинг ана шу синовдан муваффақиятли ўтиши комсомол ходимларининг ўзларига боғлиқ. Бугунги кунда ёшлар ишончини қозониш учун сўздан кўра амалий ишга зўр бериш керак. Назаримда, комсомол ходимлари, ёшлар ўз ҳуқуқларидан етарлича фойдалана билмайдилар. Ахир кадрлар танлаш ҳуқуқини уларга ҳеч ким тақиқлаб қўйган эмас-ку. Марҳамат, қўлидан иш келадиган фидойи ёшлар кўп. Фақат уларни жой-жойига қўя билиш даркор. Шундагина ишда бурилиш бўлиши мумкин. Шуни унутмаслик лозимки, қаерда иш ёмон бўлса, бу, албатта, комсомол ташкилоти котибининг лаёқатсизлигидан далолат беради.

Калинин номли давлат хўжалигида А. Аъзамов комсомол-ёшлар звеносига етакчилик қилади. Унинг ташаббуси билан бригадада боғ барпо этилди. Дала шийпонидаги аҳвол яхшиланди. Буларни амалга ошириш осон бўлгани йўқ. Хўжалик комсомол ташкилотининг котиби ташаббусни маъқуллаш у ёқда турсин, келиб хабар ҳам олмаган. Ҳозир А. Аъзамов клуб ташвишида юрибди. Комсомол ходимларининг лоқайдлиги ташаббусларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Яна шуни айтиш лозимки, ноҳия комсомол қўмитаси ходимлари ёшлар билан яқиндан ишлаш, улар томонидан билдирилаётган ижтимоий масалаларни ечишга етарли даражада эътибор бермаяптилар. Ваҳоланки, ҳали бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп.

З. АВАЗОВ: Фикрингизга мен ҳам қўшиламан. Дарҳақиқат, ёшларимизда, айниқса, комсомол ходимларимизда қатъиятлик, талабчанлик, етишмайди. Бундан ташқари, қоғозбозликдан иложи борича қочиш, ундан тамомила халос бўлиш керак. Қарорлар қабул қилинади-ку, бажарилмай қолиб кетади. Назорат йўқ. Ахир қарор ижроси билан муҳим. Буни унутмаслик лозим. Ёшлар ўртасида учраётган баъзи муаммоларни ҳал этишда комсомолнинг қўли калталик қилаяпти. Чунки, ечилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар кўзга ташланмаяпти. Яна ўша гап. Уларда ташаббускорлик ва шижоаткорлик етишмайди.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» дейишади. Афсуски, кўпгина хўжаликларда ёшларнинг маданий дам олишлари учун шароит йўқ. Жойларда клуб, муассаса, жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантиришда аввало комсомол ходимлари ишбоши бўлишлари лозим. Бу масалалар қанча тез амалга оширилса, комсомолнинг мавқеи шунча тез ошаверади.

Т. ШАРИПОВ: Ёшлар орасида ишлаб чиқаришда илғор, жамоат ишларида фаол қатнашаётганлар кўплаб топилади. Уларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, ғамхўрлик ҳам кўрсатиш керак. Шижоатли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш лозим. Қуйи ташкилот етакчиларининг фикрига кўпроқ қулоқ солиш керак. Чунки улар ёшлар билан ҳамиша бирга. Улар билан узвий алоқани мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун хоналарда ўтириб эмас, балки хўжаликларга, йигит-қизлар орасига бориш, улар билан бамаслаҳат ишлаш керак. Мавжуд муаммоларни эса пайсалга солмай ҳал этишга киришиш муҳим.


У. БЕРДИЕВ: Менимча, бошланғич комсомол ташкилоти котибларини хўжалик маъмуриятига аъзо қилиб олиш керак. Чунки кўплаб ёшлар комсомол ташкилотини четлаб ўтиб, турли масалалар бўйича хўжалик раҳбарларига мурожаат қилишади.

Ш. ЖУМАЕВА: Назаримда, сўнгги пайтларда танқидий фикр юритиш одат тусига кириб қолди. Ахир ютуқларимиз ҳам бор-ку! Ундан кўра била туриб юз ўгириш инсофдан эмас. Айтайлик, байналмилал-жангчилар хотирасини абадийлаштириш учун ноҳия комсомол қўмитаси хайрли ишларни амалга оширди. Қолаверса, нуқул у йўқ, бу йўқ, дея нолиган билан уни бизга биров келиб қилиб бермайди-ку. Ҳадеб талаб қилишни эмас, ишлашни ҳам билишимиз керак. Яқинда бир комсомол аъзосидан ғалати гап эшитиб қолдим: «Урушда жасорат кўрсатиш осон бўлган...» Қизиқ, жасорат кўрсатиш учун, албатта, уруш бўлиши шартми? Қолаверса, тинчлик даврининг ҳам жасорат талаб майдонлари жуда кўп. Мана шунга эътиборни қаратишимиз лозим...

Мусоҳабани Н. ЭРБОЕВ ёзиб олди.

Мусиқа хиёбони

«КАМОЛОТ»НИНГ МАШАҚҚАТЛИ ДОВОНИ



Биз уни маъюс ҳолда учратдик. Акаси Шуҳратбек билан ниманидир муҳокама қилишарди. Суҳбатларини бўлишга тўғри келди. Мақсадимизни эшитиб:

— Ҳозир Ўшга жўнаб кетмоқчимиз, — деди у кулимсираб.

— Ахир эртага, 30 январда концертингиз борку?

— Бугун ҳам мени саҳнага қўйишмади. Эртага ҳам барибир шундай бўлади...

Аввалига ҳайрон бўлдик. Кейин эса...

СССР Халқлари дўстлиги саройида ўтказилган «Камолот-89» ёш қўшиқчилар конкурси ўтган йилнинг мақтовга арзигулик воқеаси бўлди. Унда жумҳуриятимизнинг 230 дан зиёд ёш санъаткорлари иштирок этишди. Конкурс ташаббускорларининг чинакам ғайратшижоати, кўрикка ижодий ёндошганликлари ниҳоят ўз натижаларини берди.

Биринчи имтиҳонда 33, иккинчи ҳал қилувчи синовда эса 11 хушовоз хонанда қониқарли «баҳо» билан финалга йўлланма олдилар.

Фарғоналик хонанда Охунжон Мадалиев, тошкентлик Муҳриддин Холиқов, чимкентлик қўшиқчи Ғиёс Бойтоевлар номини эшитган мухлислар концерт зали томон ошиқдилар. Янги овозларни эшитиш, кўриш истагида юрганларнинг:

— Ким ғолиб бўларкин?

— Муҳриддин!

— Э, Ғиёс бўлади, кўрасиз.

— Қандайдир Карим деганлари ҳам бормишку?

— Йўқ, фарғоналик зўр, дейишаяпти, — қабилидаги тахмину фоллар залда тинмасди.

Ниҳоят конкурснинг илк қўшиғи янгради, қарсаклар улкан зални уйғотгандек бўлди, яна қўшиқ, яна қарсаклар...

Бироқ, конкурсга кўпчилик башорат қилганидек «нуқта» қўйиш осон бўлмади. Ҳакамлар шошган, зал эса адолатли ҳукм гувоҳи бўлишга ошиқарди. Мухлислар бекор ўтирмасликлари учун планга киритилмаганларнинг чиқиши уюштириларди.

Ниҳоят кутилган дақиқалар етиб келди. Конкурс шартида кўзда тутилмаган «олий мукофот»нинг пайдо бўлиб қолганига ҳам кўпчилик ажабланмади. Ўша мукофот эса қотмадан келган, ориққина «қандайдир Каримга» насиб қилди.

— Ғолибликни кутганмидингиз, — сўраймиз ундан.

— Мени бошқа жумҳуриятдансиз, деб рўйхатга олишдан бош тортишди. Мен ҳам, Қирғизистонда қўшиқ айтолмасам, Ўзбекистонда мени эшитишни хоҳлашмаса, қайга бораман, деб туриб олдим. Конкурс ташаббускорларига раҳмат, дейман...

Муҳаммадкарим Сойипов 1963 йили Ўш вилоятининг Қизилқишлоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Болалигиданоқ санъатга меҳр қўйиб оғир, машаққатли манзил йўлчисига айланди.

— 1989 йил мен учун омад келтирди, — дейди Муҳаммадкарим. Устозларимдан олган ўгитларим зое кетмади.

— Кимларни устозим, деб биласиз?

— Том маънода сўралса, Ўзбекистон ССР халқ артисти, ҳофиз Шерали Жўраев, дейман. Аслида санъаткорнинг ҳеч қачон биргина устози бўлиши мумкин эмас. Мени қўшиқчи қилиб тарбиялаган Марғилон халқи олдида доимо қарздорман.

Шу халқни ҳам устозим десам муболаға бўлмайди. Илк бор шу ерда, марғилонликларнинг кўмаги билан элга танилдим. Водий халқига хизмат қилаётган қўшиқчи устозларимдан кўп нарса ўргандим. Санъаткор сифатида ҳатто спортчи Руфат Рисқиевдан тортиб, Ортиқ Отажоновгача, Охунжон Мадалиевдан тортиб, Муҳриддин Ҳолиқовгача бўлган кишиларни, Ўзбекистоннинг қўли қадоқ деҳқону ишчисини ўз устозим дегим келади, чунки ҳар қандай инсон кимдандир бирон-бир нарса ўрганади. Демак, узтозларимнинг саноғи йўқ, десам адашмаган бўламан.

— Бўш вақтингиздаги машғулотингиз?

— Аслида бўш вақтнинг ўзи танқис. Агар имкон топилса, китоб варақлайман. Шеърий китоблардан ҳам кўра, тарихий адабиётларни хуш кўраман. Ҳозир «Бобурнома»ни мутолаа қилаяпман.

— Кўпчилик сизнинг қўшиқларингизни эшитиб, Карим ўз ёрига етолмаган кишига ўхшайди, деган мазмунда фикр билдирмоқда?

— Йўқ. Бу нотўғри. Мен ўз севган қизимга уйланганман. Анваржон исмли фарзандимиз яқинда бир ёшга кирди.

— Айтингчи, бир ёш санъаткор сифатида ўзбек қўшиқчилик санъатига муносабатингиз қандай?

— Гарчи ўзбекистонлик бўлмасамда, ўзимни шу азим юрт боласидек ҳис қиламан, ижодимни, санъатимни шу ердагиларга — ўзбекларга тақдим қилаётган эканман, шу заминнинг санъати, қўшиқчилиги ҳақида баҳоли-қудрат фикр юритишга ҳақлиман, деб ўйлайман. Мана, яқин икки-уч йилдан буён жумҳуриятда истеъдодли ёшларга эътибор ортгани сезилиб турибди. Бу яхши. Бироқ ойнаи жаҳон, радиода ҳали чинакам қайта қуриш бўлаётир, деёлмайман. Бадиий советдаги чинакам ижодкорлар ролини янада ошириш керак, менимча. Санъаткорнинг ютуғи уларга, уларга бўлган муносабатнинг табиийлигига боғлиқлигини унутмаслик керак.

— Биз мавзудан четлашмадикми?

— Йўқ, менимча. Театр гардеробдан бошланади, дейилганидек, бугунги чинакам санъат санъаткорга муносабатдан бошланади. Тўғри, ойнаи жаҳонга чиқмасдан ҳам қўшиқ айтиб юриш мумкин. Лекин бу имкониятни ойнаи жаҳон яратиб берган қулайлик билан фарқлаш қийин эмас-ку?..

— Ўзингиз, оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бугунги кунда 60 ёшни қоралаган отам Турсунбой Сойиб ўғли ёшлигида қўшиқ айтган эканлару кейин бу одатларини ташлабдилар. Оиламизда бир менгина шу йўлга кирганман. Қолган олти ака-укам ва ёлғиз синглим бошқа соҳаларда меҳнат қилишади. Лекин ҳеч қачон оиламиздагилар орасида қўшиқ айта олмайман, ҳанузгача сир босади, уяламанми, билмадим...

— Орзуларингиз...

— Орзулар чексиз. Биласизки, марҳум устоз Ботир Зокировни бутун дунё танийди. «Ялла» ансамбли ҳам ана шундай жамоалардан. Мен ўзбек миллий санъатини, ана шу санъат кишиларининг бутун оламга машҳур бўлишини истайман. Мен Ўзбекистонда ҳали унча машҳур бўлмаган 230 дан ортиқ қўшиқчи борлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Демак ҳали юзлаб Шералилар, Олмахону Мурод жонлар санъатимиз довруғига кўрк қўшишига шубҳа йўқ. Демак орзум амалга ошаркан.

— Бахтлимисиз?

— Агар мухлисларимнинг ақалли биттасига қўшиқларим манзур бўлганини эшитсам, бахтлиман.

Суҳбатимиз шу ерда тугади. Биз Муҳаммадкарим Сойиповнинг нега Ўшга шошилганини кейин тушундик. «Камолот-89»нинг совриндори 30 январь куни саҳнага чиндан ҳам қўйилмабди. 31-куни ҳам кечки концертда унга қўшиқ айтиш насиб бўлмади. Натижада «алданган» мухлислар ўртасида норозиликлар келиб чиқди. Ҳақли савол туғилади. Нега афишаларда М. Сойипов номи катта ҳарфларда ёзилдию, саҳнага чиқишга руҳсат берилмади? Ўйлаб кўришга арзигулик ҳол бу. Яхшиямки, Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг «3-студия»си ходимлари хатони тузатмоққа уриниб кўрдилар...

М. АБДУРАҲМОНОВ.

Мактубларингизни ўқиб

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Чиндан ҳам ҳаётнинг мазмуни нимада? Аминманки, шу зайлдаги саволга кўпчилик «яшаш» деб жавоб беради. Лекин ўша яшашни ҳам турлича тушуниш мумкин. Албатта, биз бу ўринда моддий жиҳатни эмас, аксинча, ҳаётга қараш, уни қадрлаш маъносини назарда тутаяпмиз. Буни билиш қийин эмас. Бир дақиқа тўхтангда, атрофга разм солинг. Баъзилар бор, давр оқимида сузишга интилади. Янгиликларни тез илғайди. Бодраб ўсган майсадан ҳам, қушнинг наҳорги сайрашидан ҳам завқлана олади. Баъзилар ортда қолаётган ҳар дақиқасига куй-қўшиқ билан мазмун киритиш истагида бўладилар. Улар юрган йўлларида учраган тошдан ҳам мазмун кашф этишга уринишади. Шу боис бундай кимсаларга зерикиш, толиқиш бегона.

Ижодкор ёшлар бўлимига келаётган кўплаб хатлар «Ёш ленинчи» муштарийлари орасида ана шундай серзавқ, қизиқувчан, яшаш мазмунини тўғри англаганлар кўплигидан далолат. Айниқса, кейинги пайтда санъат оламида янги номлар кўпаймоқда. Қизиқувчан муштарийларнинг баъзилари Нуриддин Ҳамроқуловни ёқтирса, иккинчиси Ғиёс Бойтоевни, бошқалари ҳинд актёри Митхун Чакрабортини хуш кўради. Уларнинг у ёки бу хонанда ҳақида мақола ёритилишини, у ёки бу қўшиқ тексти эълон қилинишини сўраб йўллаган мактублари эса бўлимимиз ишларини тўғри режалаштиришга ёрдам беради.

«Ҳурматли редакция! Кейинги пайтларда элимизнинг тилга тушган севикли санъаткорлари қатори ёш хонандалар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиляпти, — деб ёзишибди Избосқан ноҳиясидан Ҳожи Қўзиевлар оиласи. — «Камолот—89» ана шундай ўз оҳангига эга ҳофизларни яна бир карра халққа танитди. Биз конкурс қатнашчиларидан бири Ғиёс Бойтоев ҳақида мақола беришингизни сўраймиз». Тўғри, бу ёш хонанда санъатга ўз услуби, ўзининг янги қўшиқлари билан кириб келди. Унда тақлидчилик қусури йўқ, шунданмикин, мухлисларини ҳам тез топиб олди. Ўша мухлислардан Фарғонанинг Ўзбекистон ноҳиясида яшовчи М. Салимов, Охунбобоев ноҳиясидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигидан Обида Ҳасанбоева, Пискент ноҳиясининг Жамбул номли кўчасида яшовчи Гулнора Иброҳимова, шофирконлик Неъматовлар, Қарши воҳасидан Рўзиевлар оилалари каби кўпгина санъат шайдолари ҳам бу хонанда ҳақида муфассалроқ маълумот билиш истагида эканликларини ёзишди. Қўлимиздаги яна бир даста хатлар хонанда Муҳаммадкарим Сойиповнинг мухлисларидан келган. Биз уларнинг илтимосини бугун қондирмоқдамиз.

Фарғоналик Авазбек Ваҳобов, Ўктам Асқаров, гурланлик Н. Болтабоева, пойтахт вилоятидан Сурайё Мамажонова, хоразмлик Каромат Менёзова, Андижондан Нурматовлар оиласи, Наманганнинг Ёрқўрғон қишлоғидан Мирзакаримовлар оиласи, Тошлоқ ноҳиясидан Муаттар Ҳакимовалар ҳам Муҳаммадкарим қўшиқларини жуда ёқтиришлари бизга йўллаган мактубларидан аён бўлди. Ёш хонандалар учун бу қадар тез мухлислар эътиборини қозониш уларга кибр, ўзидан кетиш эмас, балки кўпроқ илҳом манбаи, ижодга, санъатга меҳр вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

Бердиқуловлар оиласи Оққўрғонда «Партия XXI съезди» жамоа хўжалигида яшашади. Улар радиодан Муҳриддин Холиқов хониш қилганда ўзгача завқ ва шавқ билан тинглайдилар. Шу боис у ҳақда тўла маълумотга эга бўлиш учун мақола беришимизни илтимос қилишибди.

Қўлимиздаги хатлардан маълум бўлишича, кейинги пайтда жумҳуриятимизда «Ласковий май» ансамблининг ҳам мухлислари ортиб бораяпти. Жиззах шаҳридаги педагогика институти рус тили ва адабиёти факультетининг бир гуруҳ талабалари ансамбль солистлари Юрий Шатунов, Андрей Разин ҳақида мақола ёритишимизни сўрашган бўлишса, фарғоналик Гулчеҳра Валиева ансамбль билан дўстлашиш нияти борлигини баён қилган. Бунинг учун бевосита Москвага, тўғридан-тўғри ансамблга хат йўллаш мумкин. Риштон ноҳиясининг Зоҳидон қишлоғидан келган мактубга муштарийлардан М. Жўраев, Э. Пирматов, А. Абдураҳимов, Ҳ. Мамадалиев, Т. Носиров, М. Полвонов, В. Ғаниев, Р. Собировлар имзо чекишган. Улар Дадахон Ҳасанов қўшиқларини севишларини айтишган.

Деновлик С. Маҳмудов ўз мактубини «Сайёд» ансамбли ижро этаётган қўшиқлар кўпчиликка мазур бўлмоқда», деб бошлабди. Унинг ижросидаги «Боғ ўртаси шоҳсупа» қўшиғи матнини эълон қилишимиз тўғрисидаги таклифи ҳам санъатга ихлосидан далолат. Ҳаётга санъат ҳамроҳ бўлса, мазмуни яна ҳам бойийди. Умид эзгулик яратиш ишқи тинчлик бермайди. Чунки қўшиқдан бошланур ҳаёт деб бежиз айтишмаган.

Қўлимиздаги хатлар орасида Мирза Ҳолматов, Обиджон Асомов, Собитжон Асомовлар ҳаёти ҳақида маълумот сўраганлари кўп. Шеърлар текстини, Шерозий ҳаётини, шеър ёзиш учун нима қилиш зарурлигини билишни истаганлар, кино артисти бўлиш ниятларини амалга оширишда маслаҳат сўраганлар, бошқа турли хил адабиёт ва санъатга даулдор саволлар ҳам талайгина. Шундай қилиб, мактубларнинг, аксарият қисми муштарийларнинг хонандаларга меҳри ифодасидан иборат. Зеро, ҳаёт мазмуни, яшаш мазмуни меҳрдан, оқибатдан, завқу-шавқдан иборат-ку. Хонандаларнинг қўшиқларида ҳам ана шулар куйланади асли, ҳаёт завқи куйланади.

Муштарийларнинг мактубларига асосан ижодкор ёшлар бўлими «Сиз ёқтирган хонандалар» ойнасўзида юқоридаги талаб ва истакларни амалга оширишни режалаштирди. Эл меҳрини қозонаётган, санъат оламига ўз овози билан дадил кириб келаётган ёш хонандалар ҳақидаги мақолалар шу ойнасўзда ёритилади. Биз муштарийларни хонандалар ҳақидаги ушбу мақолаларда кўпроқ нималар қизиқтиришини билишни хоҳлардик. Улардан ана шу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазалари ёзилган мактубларни кутамиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.



Санъат ғунчаси — Суратчи: У. ҚЎШВОҚОВ.

ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Маданият вазирлиги, касаба уюшмаси жумҳурият кенгаши ташаббуси билан ўтказилиб, анъанага айланиб қолган, пуфлаб чалинувчи созларнинг III жумҳурият кўрик-фестивали қатнашчилари бир неча кун давомида Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг томошахонасида беллашдилар.

Жумҳурият Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалар бошқармасининг бошлиғи, ташкилий қўмита аъзоси Карим Турсунмуродович Азимовдан ушбу кўрик-фестивалнинг ўтказилишидан мақсад нимадалигини шарҳлаб беришни сўрадик:

— Кўрик III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида бўлиб, бу йилги беллашувларга ҚҚАССРдан ташқари жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан қатнашчилар келган. Кўрик-фестивални бешта босқичга бўлган ҳолда ўтказдик. Мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, махсус мусиқа билим даргоҳлари, созандалар ва профессионал созандалар алоҳида-алоҳида баҳслашдилар. Фестивалга вилоятлардан келган вакиллар аввалги кўрик-конкурсларда қатнашиб, анчагина тажриба тўплаганлар. Фестивалнинг ўтказилишидан асосий мақсад халқ иқтидорларини янада кўпайтириш, қобилиятли ёшларга санъатнинг бу турини мукаммал эгаллашларида яқиндан ёрдам бериш.

Пуфлаб чалинувчи созларнинг кўрик-фестивали ўтказилиши албатта яхши. У кўпгина санъат даргоҳига илк қадам қўяётган иқтидорли ёшларга ўзига хос мактаб вазифасини ўтаса ажаб эмас.

М. АБДУЛЛАЕВ.

КУЙ-ҚЎШИҚ ОЛАМИДА

Мадоннанинг собиқ эри Шон Пеннинг акаси Майкл танқидчилар «жуда эсда қоладиган дебют» деб атаётган «Март» номли пластинкасини чиқарди. Улар бу ишда «Битлз», Боб Дилан, шунингдек Том Уэйтс, Ван -Моррисонларнинг таъсири борлигини ҳам таъкидлашмоқда.

* * *

«Пардали ҳаёт» — Билли Айдолнинг яқинда Америка дўконлари пештахталарига чиқадиган янги альбоми ана шу ном билан аталади.

* * *

«Уайтснейк» гуруҳининг янги гитарачиси Стив Вейнинг ишлари Дэвид Кавердейлга шу қадар ёқиб қолдики, у Стив билан дискнинг муқоваси учун суратга тушди.

* * *

Охирги пайтларда Эрик Клэптоннинг номи мусиқа журналлари саҳифаларидан тушмай қолди. У гоҳ Элтон Жоннинг, гоҳо «Роллинг Стоунз»нинг концертларида ёрдам бермоқда. Яқинда у Нью — Йоркда бўлиб ўтган Рон Вуд картиналари кўргазмасига ташриф буюриб, у ерда ўзининг портретлари жуда кўплигига аҳамият берди. «Бу балки бизнинг Рон билан дўстлигимиз таъсиридир», деб изоҳ берди бу ҳолга Клептон.

* * *

«Батмэн» номи билан ўтказилаётган 1990 йил Шаҳзодаси Сафари маршрути Дублин, Лондон, Вена, Хельсинки, Копенгаген ва Стокгольм шаҳарларидан ўтади.

* * *

Кейт Буш ўзининг «Ҳиссиётли олам» номли янги дискини чиқарди. Хонанданинг фикрича, композициянинг ҳар бири алоҳида қисқа тарихдир. Кейт Буш гастролларга чиқмаганлиги сабабли Англияда машҳур эстрада юлдузи бўлса-да, Америка мусиқа ихлосмандларига мутлақо нотаниш.

* * *

«Бэнглз» гуруҳи тарқаб кетди. Унинг иштирокчилари алоҳида-алоҳида бўлиб ишлаш ниятидалар. Ансамблнинг аъзоларини яхши билганлар бу ҳол тасодифий эмас, кризис аллақачон етилган эди, дейишмоқда.

* * *

Таниқли негр мусиқачиси Рей Чарлз ритм-энд-блюз артистларида ёрдам берувчи ва ҳомийлик қилувчи эркин ҳамда тижорат гуруҳи ҳисобланган ритм-энд-блюз фондига раҳбар бўлди.

К. АЛИЕВА тайёрлаган.

Тошкентлик толиблар ютуғи

Тошкент консерваториясининг кейинги йиллардаги фаолияти анча ўсмоқда. Бу ерда музикашунос талабаларнинг ўз соҳадошлари билан мулоқотда бўлиши анъанавий тус олган. Ўтган йили улар Москва, Ленинград, Киев ҳамда Бокуда бўлишганди. Самарқандда эса талабалар хори ўз репертуарларини намойиш этишди.

Яқинда ҳам ана шундай гастролларнинг бирига якун ясалди. Талабалар камер оркестри (доцент В. И. Глин камер ансамбли синфи) пионинochi Б. Ҳақназарова, С. Ғофурова, Л. Фатхуллахўжаевалар Олмаотада концерт беришди ва мусиқа шинавандаларида катта таассурот қолдирдилар.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. С. Азимов раҳбарлик қилаётган камер оркестри ижросида иккита катта программада тайёрланган концерт ҳам ихлосмандлар кўнглига завқ бағишлади. Биринчи программани баракко даври услуби ифодасидаги ижро этилган Гендель, Керелли, Вивальди, Бах асарлари ташкил этади.

Ўзбек композиторлари И. Акбаров, М. Маҳмудов, С. Жалил ва В. Сапаров асарларидан тузилган иккинчи программага киритилган чиқишлар ҳам Чайковский номли билим юрти саройида йиғилганлар эътиборини қозонди.

Ўйлаймизки, концертлар давомидаги ижодий мулоқотлар, шу йўсинда ташкил этилган гастроллар иккала мусиқа олий билим даргоҳи алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

М. АРТИШЕВСКАЯ.

МУНАВВАР ҚЎШИҚ

Қўшиқ тугади...

Сукунат эса давом этаяпти. Сирли сукунат... Нега ҳамма жим? Нима қилиб қўйдинг уларни, ҳофиз?.. Йўқ, мана сукунат синди. Кучли портлаш тўлқинидан қалқиб тушдим. Йўқ, бу олқишлар тўлқини... Саҳнага гул ёғиляпти, кўряпсанми, Эркин?! Олқиш ёғяпти, эшитяпсанми, Эркин! Шу тобда нимани ўйладинг, нималарни ҳис қилдинг?

— Менга термулиб турган кўзларни ҳис қилдим. Менга чўзилган кафтларни, кафтлардаги тафтларни... Меҳр ва чиннигуллар ҳидини туйдим. Ёқимли ҳидлар... Ҳаёт ҳақида ўйладим. Ҳаёт жуда гўзал экан.

— Қаерликсан! Бу тоза руҳни қаердан олиб келдинг!..

— Биз Бахт шаҳриданмиз!

— Биз деганинг кимлар! Дунёда Бахт шаҳри ҳам борми, қаерда у!

— Биз деганим — мен, Мамат, Айюб, Владимир, Геннадий ва Илдиз. Улар менинг созанда дўстларим. Бахт шаҳри Сирдарё вилоятида. Бу шаҳарнинг марказий кўчаси Баҳор деб аталади.

— Бахт шаҳрида яшовчилар ҳам бахтиёр бўлсалар керак!

— Қайдам...

У қимтиниб лабларини қучоғидаги гулларга босади. Чиннигуллар. Дунёдаги энг чиройли гуллар... Афсуски, у бу гуллар рангини кўрмайди.

Бу йигит — жумҳуриятимизда бўлиб ўтган ёш хонандаларнинг «Камолот» кўрик конкурси лауреати Эркин Раҳмонов. Хонанда ўзининг бастакорлик қобилияти, ширин овози билан қўшиқ шайдоларига манзур бўлди. Куйланган теран қўшиқлар маъносидан унинг нозик диди ҳам сезилиб туради. Биз Эркинжон билан тортиниб, унинг нозик туйғуларига тегиб кетишдан чўчиброқ суҳбатлашдик. Лекин ҳамсуҳбатимиз ўзининг камтарлиги ва сезгирлиги билан бизни хижолатдан қутқазди.

— Мен дунёни кўра оламан, дейди у, — мен дунёни қалбим билан, қолаверса, турмуш ўртоғим Жамиланинг кўзлари билан кўраман. Жамила ёнимда экан, олам мен учун равшан. Икки ўғлимиз бор. Тўнғичимиз олти, кенжамиз тўрт ёшда. Тошкентдаги махсус ўрта мактабни тугатиб, маданий оқартув техникумига кирдим. Музика сирларини ўргандим. Қўшиқ айтишни ёшлигимдан севаман. Ҳозир БАХТ шаҳар маданият уйида «БАХТ таронаси» ансамблида ишлаяпман. Жамоамиз турли миллат кишиларидан ташкил топган. Жуда аҳил.

— Сиз басталаган куйларда миллий руҳ, миллий оҳанглар бузилмаган. Сизга жўр бўлган созандалар эса ўзингиз айтгандай турли миллатга мансуб. Шунга қарамай ижро ҳам бузилмади. Улар билан ишлашга қийналмайсизми!

— Ансамблимиз ташкил этилганига икки йил бўлди. Бу давр ичида мен улар билан бирга ишлаб, қийинчилик сезганим йўқ. Куйни эса қайси миллатга мансуб бўлишига қарамай, ҳис қилиш, тушуниш мумкин. Шунинг учун ҳам санъатни бутун жаҳон кишиларига дахлдорлиги бор, деса бўлади.

— Сиз ижро этган қўшиқлар куй билан уйғунлашиб кетган. Лекин кўпчилик хонандаларда куй ва қўшиқ ўртасида номутаносиблик сезилади. Бунинг сабаби нимада!

— Бу саволга ўринли жавоб айтишим қийин. Менимча, айрим хонандалар аввал қаердандир куй топадилару, кейин қўшиқ сўзларини қидирадилар. Мен эса аввал қўшиққа муносиб шеър танлайман, кейин куй басталашга киришаман.

— Хонандаларимиз яратаётган айрим қўшиқларнинг сўзлари куй билан уйғунлашса-да, қўшиқ мағзини тўла англаб етолмай анча қийналамиз.

— Гапингизни тушундим. Ўзим ҳам шу ҳақда кўп ўйлайман. Мен бугун ижро этган Абдукарим Жумабоев қаламига мансуб «Айтай» номли қўшиғимни тайёрлашда бироз қийналдим. Чунки шеър беш банддан иборат эди. Назаримда, тўрт бандни айтсам яхшироқ чиқадигандек туюлди, лекин қўшиқ мазмуни саёзлашгани сезилиб қолди. Қайта ишлаб, асарни тўлалигича ижро этишга қарор қилдим. Ҳозир бисотимдаги қўшиқлар ичида ўзимга ёқадигани мана шу қўшиқ. Кўпчилик хонандаларимиз куйга тушиши осон бўлиши учун шоирларимиз яратаётган қўшиқларни қисқартириб, мажруҳ қилиб қўймоқдалар. Шунинг учун ҳам қўшиқлар мағзи очилмасдан қоляпти. Мен бундай йўл тутиш нотўғри деб биламан.

Биз Эркинни кузатар эканмиз, хайрлашмадик. Ахир, биз у билан эндигина учрашдик. Хайрлашишни эса истамаймиз...

У БАХТ шаҳрига кетади. Уни БАХТ шаҳрида — Жамила кутаяпти. Биз ҳам уни, унинг янги ва дилрабо қўшиқларини кутамиз.


Мухтор КОМИЛОВ.

ТАРИХИЙ БИНО ТАҚДИРИ

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги Сапёрлар кўчасида жойлашган тарихий бино билан боғлиқ воқеалар хусусида кўпчилик тошкентликлар яхши билишади. Жумҳурият муассасаларидан бири бу бинони бузиб, ўрнига кооператив уй қурмоқчи бўлганида кенг жамоатчилик ушбу зараркунандаликка қарши чиққан эди. Хуллас бино омон қолди.

Ўша воқеалар бўлиб ўтганига мана икки йилдан ошиқ вақт ўтди. Бу давр ичида бино кўнгилдагидек таъмирланди. Эндиликда Мусаввирлар уюшмаси ва Ўзбекистон Маданият вазирлиги ташаббуси билан бу масканда Болалар бадиий ижодиёти маркази очишга қарор қилинди. Унда ранг тасвир, графика, амалий безак бериш санъати, кино-фото ва адабий студиялар фаолият кўрсатади. Умуман олганда болалар ўзларининг ижодий қобилиятларига қараб студияларда иштирок этадилар.

Таҳсил олувчиларни қабул қилишда болалар уйлари ва интернатлар тарбияланувчиларига имтиёзлар берилади. Студия иштирокчиларига жумҳуриятда танилган мусаввирлар дарс ўтишади. Жумладан, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чориев марказ ишида фаол иштирок этмоқда.



Суратда: Р. Чориев қашқадарёлик ва сурхондарёлик шогирдлари А. Султонов ҳамда А. Эрмўминовлар билан. Унга таниқли ўзбек мусиқачиси Шуҳрат Йўлдошев. Сурат муаллифи А. КОШКИН. (ЎзТАГ сурат лавҳаси).

Саломатлик клуби

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИН!

Ўлкамизда баҳор. Бир кун шаррос ёмғир қуйса, эртаси куни қуёш чарақлаб чиқади. Офтобнинг тафтидан илиган ерларда кўплаб қўзиқоринлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг иштаҳа очувчи кўриниши, хушбўй ҳиди, табиийки, кишини ўзига тортади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, қўзиқоринларни билиб-билмай истеъмол қилавериш жуда оғир оқибатларга, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Негаки уларнинг аксарияти кучли заҳарга эгадир. Ҳозир жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан шу тўғрида хабарлар келиб турибди. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод ноҳиясида 16 апрелда 43 киши қўзиқориндан заҳарланган. Улардан 37 нафари болалардир. Заҳарланиш даражаси кучлилигини ҳисобга олиб, 8 киши Тошкент шаҳридаги жумҳурият токсикология марказига юборилган. Уларнинг орасида 2 боланинг аҳволи ўта оғир. Жойларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, вилоят санитария-эпидемиология станцияси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакиллари заҳарланганларга тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Худди шу вақтнинг ўзида юқорида тилга олинган марказга Тошкент шаҳрининг Чилонзор, А. Икромов ва Сергели ноҳияларидан қўзиқориндан заҳарланган кишилар ёрдам сўраб мурожаат қила бошлади. Уларнинг айтишларича қўзиқоринни асосан Пискент ноҳияси ва шунингдек, Тошкент-Олмалиқ йўлининг чеккасидан теришган. Беморларнинг касалликларини оғир-енгиллигига қараб зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистонда илгари ҳам қўзиқориндан оммавий заҳарланиш ҳоллари кузатилган. Масалан, 1982 йилда «ўркачли липиота» номи билан маълум ўта заҳарли қўзиқориндан 200 кишининг қаттиқ оғриган рўйхатга олинган. Бундай ҳоллар жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида кузатилган ва ҳар қанча ёрдам кўрсатилган бўлишига қарамай 30 киши вафот этган.

Бу фожиавий ҳолларнинг асосий сабаби — кишилар заҳарли қўзиқоринларни заҳарсизидан ажрата олмасликларидадир. Кўпчилик заҳарли қўзиқорин албатта аччиқ бўлиб, ёмон ҳид таркатади, деб ўйлайди. Бироқ бу нотўғри.

Юқорида айтиб ўтилгандек, заҳарланишдан сақланиш учун бундай қўзиқоринлар кўринишини билиб олиш зарур. Масалан, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон музофотида «ўркачли липиота» ва «жигарранг-қизил липиота»дан заҳарланиш характерли. Бу қўзиқоринлар истеъмол қилиниши мумкин бўлган шампиньонни эслатади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бу қўзиқоринларнинг қайта ишланганда ҳам заҳри йўқолмайди. Ҳозир йўл бўйларида, ўтлоқларда заҳарли қўзиқоринлар кўпайганлиги ва уларни ажратиб олиш қийинлиги туфайли ҳар қандай қўзиқорин турини истеъмол қилишдан тийилиб туриш, терилган қўзиқоринларни истеъмолга ишлатмаслик, яхшиси ташлаб юбориш мақсадга мувофиқдир. Болаларга қўзиқорин истеъмол қилишнинг оғир оқибатларини тушунтириш мураббий ва тарбиячилар бурчидир.

Юзага келган вазиятда заҳарли қўзиқоринлар истеъмол қилинишини барча йўлларини қирқиш мақсадида жумҳурият ҳудудида қўзиқоринларни алоҳида кўрсатма берилгунга қадар териш ва сотишни таъқиқловчи қарор қабул қилинган.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Нозирининг ўринбосари, Давлат Бош санитария врачи.

ЯНГИ КОРХОНА

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тикувчилик-атторлик моллари бирлашмасининг бўлими Наманғандаги «Нуробод» микроноҳиясида ишга туширилди. Корхона болалар кийим-кечаклари ва чақалоқлар учун либослар туркумини тайёрлаб беради.

Ҳозир бирлашма бўлимида 75 киши, асосан хотин-қизлар, собиқ уй бекалари меҳнат қилишмоқда. Қурилиш тугаши билан бу ерда ярим мингга яқин одам ишлай бошлайди. Шундай қилиб, бир йўла икки муаммо ҳал қилинади: камёб моллар ишлаб чиқариш кўпаяди, вилоят марказидаги иш билан банд бўлмаган аҳоли ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилади.

Футбол янгиликлари

Олий лига командалари ўртасида чемпионат ўйинлари давом этмоқда. Москванинг «Спартак» командаси икки мағлубиятдан сўнг навбатдаги ўйинда йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Спартакчилар «Металлист» командасини 6:0 ҳисобида енгдилар. Қолган учрашувлар натижалари: «Арарат» — «Помир» — 1:0, «Ротор» — «Торпедо» — 2:2, «Динамо» К — «Шахтёр» — 2:0.

Биринчи лига командалари пайшанба куни навбатдаги тур ўйинларини ўтказадилар. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Горькийнинг «Локомотив» командасига қарши майдонга тушади. Футболчиларимиз тўрт ўйиндан сўнг 5 очко жамғариб, турнир жадвалининг тўртинчи поғонасида боришяпти.

* * *

Кўпчилик футбол мухлисларини ўйлантираётган саволлар беҳисоб. Чунки бу йилги чемпионат «кутилмаган» воқеалар билан бошланди. Грузиялик спортчилар алоҳида федерацияга бирлашиб, ўз жумҳуриятлари миллий чемпионатини ўтказишяпти. Литваликлар тутган йўл ҳам шундай.

Грузияда футбол мавсуми 30 мартда бошланган эди. Шу куни Тбилисида ҳаммамизга таниш бўлган «Динамо» (ҳозирги номи «Иберия») ҳамда «Колхети» (Поти) командалари майдонга тушдилар. 90 минг киши иштирок этган мазкур учрашув 0:1 ҳисобида «Колхети» фойдасига ҳал бўлди. Ягона тўпни Тбилиси командасининг капитани Г. Кеташвили ўз дарвозасига киритди.

Ҳозирги кунда Грузия миллий чемпионати ўйинларида 18 та команда иштирок этяпти. Ҳозиргача тўрт тур ўйинлари ўтказилди. Турнир жадвалида «Гурия» (Ланчхути) ва «Кутаиси» (аввалги номи «Торпедо») командалари тўрт ўйинни ҳам ғалаба билан якунлаб, карвонбошилик қилишяпти. «Иберия»да эса иккита ғалаба, битта мағлубият ва битта дуранг бор.

ТВ

25 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ 1

11.30 «Тарихий обидаларимиз — бебаҳо бойлигимиз». Кинокўрсатув. 12.30 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Дубрава», «Тўхта, қулоқ тут». Телефильмлар. 18.25 «Яхшидан ном қолади». Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, ўқитувчи Абдуваҳоб Маматқулов ҳақида. 18.45 «Маданият боғи». Катталар учун мультфильм. 18.50 «Осиё овози». Халқаро телевизион конкурси. 19.10 Долзарб мавзу. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Адабиёт элчилари». Таржима муаммолари. 20.20 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Санъатим — саодатим». Мусиқий кўрсатув. 21.40 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 Саргузашт фильмлар экрани «Бир тўқнашув ҳақида икки хил тахмин». Бадиий фильм. (Одесса киностудияси). 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади». 8.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. 10.50 «Оппоқ атиргуллар». Ҳужжатли фильм. 11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Б. Феоктистов чалади (СССР). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 Давлат «Виртуози Москви» камер оркестрининг концерти. Дирижёр — СССР халқ артисти В. Спиваков.

* * *

15.15 Свердловск ёшлар рус халқ чолғу оркестри ижро этади. Свердловскдан кўрсатилади. 15.40 «Компьютер билан мулоқот». 16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.30 «Ҳокимият — Советларга». Грузиядаги сиёсий вазият. Кўрсатувда Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Гургенидзе иштирок этади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Кинопанорама». Кўрсатувни В. Мережко олиб боради. 22.45 «Хайнань ороли тажрибаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Хитойдаги энг жанубий оролнинг тарихи ва бугуни ҳақида («Союзтелефильм»). 23.20 Кичик концерт. 23.35 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ирландия — СССР терма командалари. Ирландиядан кўрсатилади. 01.25 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

Суд залидан

ҲУКМ ОҒИР ЭДИ

ҲАЛИ «ПАХТА иши»нинг яралари битмасдан туриб, дард устига дард бўлиб, «Фарғона фожиалари», Бўка ва Паркент воқеалари қўшилди. Илгари редакциямиз почтасига «пахта иши» бўйича айбсиз кишилар ҳам жиноий жавобгарликка тортилаётганлиги ёки айбдорлиги учун қонунда белгиланган жазонинг оғир қисми қўлланилаётганлиги ҳақида кўплаб шикоят хатлари келган эди. Энди эса «Фарғона фожиалари» юз берган кунларда бир гуруҳ безориларнинг миш-миши ва ёлғон уйдирмаларига алданиб, оломонга қўшилиб, воқеалар гирдобида билиб-билмай, жиноятга қўл урганларнинг ота-оналаридан, ёру-биродарларидан юзлаб шикоят хатлари кела бошлади.

Айниқса, ўша даҳшатли кунларда нималар содир бўлаётганига тўла тушуниб етмай гуноҳкор бўлиб қолганлар авф этишни сўраб юқори ташкилотларга арз-ҳол қилишмоқда.

Қонун ҳимоячилари содир этилган жиноятнинг ҳолатига қараб, ҳукм чиқармоқдалар. Бироқ жиноий ишларни текширишда ва судларда кўриб чиқишда ижтимоий адолат топталаётганлиги ҳақида ҳам талай маълумотлар бор.

Яқинда Фарғона вилоятининг Тошлоқ ноҳиясидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 69-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган етти нафар собиқ комсомол ёшлардан ва уларнинг ҳимоячилари ҳамда ота-оналаридан жами 40 киши имзо чеккан 12 та шикоят хати олдик. Мазкур шикоят хатларини қонуний кўриб чиқиш учун жумҳуриятимиз Олий судига юборган эдик.

Яқинда жумҳурият Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси Улуғбек Иброҳимович Набиев раислигида ва Олий суд аъзолари Каримхон Носиров ҳамда Абдусаттор Ниятовлар иштирокида мазкур жиноий иш кассация таркибида кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан судлов ҳайъати раиси Улуғбек Иброҳимович НАБИЕВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Улуғбек ака, бутун жумҳуриятимизни ларзага солган Фарғона, Бўка ва Паркент воқеалари юзасидан олиб борилаётган тергов ва жиноий ишларни судларда кўришда ижтимоий адолат бузилаётганлиги тўғрисидаги мактублар редакциямизга кўплаб келмоқда.

— Бу бежиз эмас. Негаки, «Фарғона фожиалари», Бўка ва Паркент воқеалари юзасидан олиб борилаётган ишлар «пахта иши»дан ҳам жуда оғир. Оломон орасидан ҳақиқий жиноятчини аниқлаб олиш енгил эмас, албатта. Аммо дастлабки тергов органлари ходимларининг малакали суриштирув ва тергов ишлари натижасида жиноятчилар ва уларнинг шериклари аста-секин аниқланмоқда. Айбдорларнинг кўпчилигига қилмишига яраша жазо берилаяпти.



Айни пайтда ноҳия ва вилоят судларида айбдорларга нисбатан берилаётган жазонинг оғирлигидан шикоят қилаётганлар жуда кўп. Бироқ, бу судлар охирги инстанция эмас. Ноҳия ва вилоят судларининг ҳукмидан норози бўлган ҳар бир айбдор ёки фуқаро жумҳурият Олий судидан токи СССР Олий судигача арз қилишга ҳақлидир. Масалан, кечаги кўриб чиқилган А. Назаров, Б. Ҳожиболаев, Б. Орипов ва бошқаларнинг жиноий иши Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Олий суди раисининг ўринбосари А. Кожаназаров раислигида кўриб чиқилган. Бироқ айбдорлар ва уларнинг ҳимоячилари чиқарилган ҳукмнинг оғирлигидан, судда қатор ҳолатлар ҳисобга олинмаганлигидан норози бўлиб ёзишган. Ана шу шикоят хатлари ва аризалар асосида бу ишни кассацион тартибда кўриб чиқдик. Агар томонлар бу ажримдан норози бўлишса, бу иш Олий судда ёки жумҳурият прокуратурасида назорат тартибида кўриб чиқилади. Назорат тартибида кўриб чиқилгач, қабул қилинган қарордан томонлар яна норози бўлишса, улар шу тартибда токи СССР Олий суди ёки СССР Прокуратурасигача чиқишлари мумкин.

Мен буларни шунинг учун такрорлаяпманки, жуда кўп кишилар ҳукмдан ёки ажримдан норози бўлишса, турли ташкилотларга, партия ва совет органларига, жумладан редакцияларга ҳам мурожаат қилишади. Бу ташкилотлар барибир ана шу шикоятларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига юборишга мажбурдирлар. Тўғри, кейинги пайтда матбуотларда қонун ҳимоячиларининг қўпол хатолари, қолипга сиғмайдиган ишлари ҳақида кўплаб ажойиб мақолалар чиқмоқда. Бироқ, ҳуқуқшуносликдан ва қонунчиликдан бехабар айрим мухбирлар билиб-билмай ёзган асоссиз мақолалари билан матбуотнинг обрўсини тўкиб қўйишмоқда. Биз яқинда ана шундай пала-партиш ёзилган бир неча мақолалар юзасидан прокуратура орқали иш қўзғатмоқчимиз.



— Улуғбек ака, биз мавзудан сал четлаб кетдик, чоғи. Назаровлар ишига қайтсак. Редакцияга келган шикоят хатлари орасида жиноий жавобгарликка тортилган етти кишининг аввалги ишлаб турган ташкилотлари раҳбарларидан, меҳнат жамоаларидан ҳамда улар яшаб турган маҳалла аҳли ва маҳалла қўмиталаридан кўплаб талабнома хатлар бор эди. Бу хатларда айбдорларни авф этиш ёки жазосини енгилроғи билан алмаштириш, имкони бўлса уларнинг тарбиясини шу жамоатчиликнинг ўзига топшириш ҳақида ҳам сўрашганди. Судлов ҳайъати бу хатларни инобатга олдими!

— Саволингиз ўринли, бироқ бундай хатларни ёки талабномаларни инобатга олиш ёки олмаслик содир этилган жиноятнинг ҳолатига унинг оғир ёки енгиллигига қараб ҳал этилади. Назаровлар ишида жиноятнинг ҳолатига қараб турли жазо муддатлари тайинланган. Масалан, А. Назаровга 8 йил, Б. Ҳожиболаевга 5 йил, У. Қурбоновга 8 йил, Б. Ориповга 9 йил, А. Рустамов билан А. Абдураҳимовларга 7 йилдан ва А. Акбаровга 6 йил жазо муддати белгиланди. Бундай ҳолатда улар ишида юқоридаги каби хат ва талабномалар инобатга олинмайди. Бироқ бу каби хат ва талабномалар дастлабки судда кўришдаёқ маълум миқдорда ҳисобга олиниши мумкин эди.

— Энди бошқа бир ҳолат. Масалан, Б. Ҳожиболаевнинг икки акаси Афғонистонда байналмилал бурчини бажариб келишган. Улар хизматлари учун жанговар орден ва медаллар билан тақдирланишган. Ўша пайтларда ҳарбий қонунларда бир оиладан бир йўла икки кишини Афғонистонга хизматга юбориш тақиқланган эди. Бироқ, шундай бўлсада, бу оиладан икки киши Афғонистонга олинди. Хайриятки, онасининг бахтига улар омон қайтишди. Аммо, болалари хизматдан қайтгунча боқувчисиз қолган Маҳфират аянинг жони ҳалак бўлгани аниқ. Чунки Маҳфират аянинг суянганлари шулар эди. Улар келиши билан уйли-жойли бўлиб кетишди. Она энди ҳозир судланган Б. Ҳожиболаев қарамоғида қолганди.

Иккинчиси А. Назаров ҳали ҳарбий хизматдалик пайтидаёқ отасидан жудо бўлди. Уни сўнгги йўлга кузатиб қўйиш Алишерга насиб этмади. Кўп ўтмай катта акаси автоаварияда ҳалок бўлди. Турмуш ўртоғидан ва фарзандидан жудо бўлган 75 ёшли Ҳ. Боймирзаеванинг ягона умиди Алишердан эди. Алишер ўша алғов-далғовли дақиқаларда боғчада ишлаётган месхети турклари миллатига мансуб Лола Тасаевани оломон орасидан чиқариб, уйига олиб бориб қўяди. Афсуски, уйдирмаларга учиб оломонга қўшилиб кетади. Шундай вазиятда сиз уларнинг ҳақиқий жиноятчи эканлигига, шундай оиладан жиноятчилар чиқишига ишонасизми! Судда уларнинг ана шу оғир оилавий аҳволи инобатга олиндими!

— Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уни нобоп муҳит яратади. Ахлоқсиз гуруҳ вояга етказади. Ёки ҳаётнинг аччиқ-қалтис ҳақсизлиги уни шунга ундаши мумкин. Ҳамма ҳолатда ҳам инсон инсонлигича қолиши керак. Албатта, бундай оилалардан жиноятчилар чиқишига ишонмайман. Ўша даҳшатли кунларда нафақат Назаровлар, балки минглаб ёшлар алдандилар. Улар тушуниб етмай турли характердаги жиноятларга қўл уришган. Қотилликлар, ўт қўйиб вайрон этишлар юз берди. Бундай жиноятларга қонунда белгиланган чоралар кўрилмоқда. Тўғри, юқорида ҳам айтиб ўтдик, оломон орасидан ҳақиқий қотилни, ҳақиқий жиноятчини аниқлаш мушкул, албатта. Айрим ҳолларда ишни чуқур ўрганмай, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилганлар ҳам йўқ эмас. Бундай ишлар судларда қайта кўриб чиқиш жараёнида улар оқланмоқдалар.

Назаровлар ишида оилавий шароитни инобатга олиш масаласига келсак, бу ҳолат ҳам дастлабки суд жараёнидаёқ ҳал этилиши лозим эди. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 69-моддасида оммавий тартибсизликлар, яъни қирғин солиш, вайрон қилиш, ўт қўйиш ва бошқа шунинг каби ҳаракатлар билан бирга қилинган оммавий тартибсизликларни уюштириш, шунингдек уларнинг иштирокчилари томонидан юқорида кўрсатилган жиноятларни бевосита қилиш ёки ҳокимиятга қуролли қаршилик кўрсатиш учун икки йилдан токи 15 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Дастлабки судда эса уларга кўрилган жазо ғоят оғир белгиланган.

— Мана судлов ҳайъати шу иш юзасидан бир қарорга келди. Айбдорларга қўйилган жазо анча енгиллаштирилди. Шу ҳолатни шарҳлаб берсангиз.

— Дастлабки терговда оломонга турли сабаблар билан қўшилиб кетиб, ҳар хил характердаги жиноятларга қўл урган бу айбдорларга жазо тайинлашда қатор ҳолатлар инобатга олинмаган ва уларнинг ҳаракатларидаги жиноят аломатларига холис баҳо берилмаган. Биз айбдорларнинг кассация шикоятларида келтирилган ҳамма даъволарини, дастлабки терговда ва дастлабки суд жараёнида ҳисобга олинмаган талай ҳолатларни, уларнинг оилавий шароитларини, меҳнат жамоаларининг ва маҳаллақўмларнинг айбдорларга берган ижобий характеристикалари ҳамда талабномаларини атрофлича ўрганиб чиқиб ушбу қарорга келдик:

Судланган Алишер Назаров ва Бахтиёр Ориповларга ҚҚАССР Олий суди томонидан тайинланган жазолар ўзгартирилиб уч йилданга келтирилди. А. Назаровдан 5 йил, Б. Ориповдан 6 йиллик қамоқ жазолари олиб ташланди. Уларга Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 23^{2}-моддасини қўллаб, уларнинг жазолари шартлига алмаштирилиб мажбурий меҳнатга жалб этилдилар.

Судланган Боқижон Хожиболаевга тайинланган жазо ярмига қисқартирилиб, икки ярим йиллик қамоқ жазоси шартлига алмаштирилди ва Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 23-моддасини қўллаб мажбурий меҳнатга жалб этилди.

Судланган Маҳмуд Раҳимов ва Абдуқаҳҳор Рустамовларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 69-моддасидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 191^{6}-моддасига қайта квалификация қилиниб, ҳар бирини икки йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 23^{2}-моддасини қўллаб бу жазо шартлига алмаштирилди ва улар мажбурий меҳнатга жалб этилдилар.

Судланган Акромжон Акбаровнинг ҳаракати Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 125-моддаси 2-бандидан шу кодекснинг 131-моддасига қайта квалификация қилиниб, 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Унга тайинланган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 69-моддаси Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 191^{6}-моддасига қайта квалификация қилиниб, икки йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Судланган Улуғбек Қурбоновнинг ҳаракатларида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мавжудлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан тайинланган суд ҳукми бекор қилинди ва қўшимча терговга қайтарилди.

КЎРИНИБ турибдики, ҚҚАССР Олий судининг айбдорларга нисбатан тайинлаган жазо муддатлари анча қисқартирилди. Шикоят хатларининг сўнггида талаб қилингандек «адолат қарор топди». Шундай эмасми! Самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатни шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ олиб борди.

●

Суратларда: суд жараёни акс эттирилган.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03183. Д — 23152.